

“Янги Қозоғистонни барпо этишда этнооммавий ахборот воситаларининг роли” мавзудаги анжуман иштирокчиларига алангали салом!

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси



РЕФЕРЕНДУМ ЯҚИН

Аввал хабар қилганимиздек, 5 июнь куни Қозоғистон Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан республика референдуми ўтказилади.

Унинг натижасида 17та минтақадан 11таси ёқлаб овоз берса, Конституцияга ўзгартириш киритилади.

Референдумга қўйилган Конституциявий қонун лойиҳасига кўра, Қозоғистонда президентлик лавозимига 2 мартадан ортиқ сайланишга тақиқ киритилмоқда.

– Конституцияга киритиш тақлиф этилаётган ўзгартиришларнинг навбатдаги қисми Тўнғич Президент мақоми бўйича барча қоидаларни олиб ташланиши билан боғлиқ. Шунингдек, референдум натижалари қабул қилинса, Президент лавозимига 2 мартадан ортиқ қайта сайланиш тақиқланади. Шу билан бирга, собиқ президентларнинг Конституциявий кенгаш аъзоси бўлиш ҳуқуқи ҳам олиб ташланади, – деди ҚР Адлия вазир ўринбосари Алма Муқанова Ҳукумат йиғилишида.

– Референдум орқали ҚР Конституциясининг 33та моддасига 56та ўзгартириш киритилади. Уларнинг ҳар бирини алоҳида савол деб ҳисобласак, ҳар бир фуқарога 56тадан алоҳида бюллетень керак бўлади. Яъни, ҳар бир фуқаро 56та бюллетенни ўқиб, алоҳида овоз бериши керак. Сайлов бюллетенида бор-йўли 1та савол бўлишининг сабаби, Конституцияга киритилган ўзгартиришлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва ўхшашдир. Агар фуқаро бир ўзгаришга қарши бўлса, иккинчисига таъсир қилади. Амалга оширилаётган ўзгаришлар эса бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, – деди Алма Муқанова.

Шунингдек, вазир ўринбосари қозоғистонликларни референдумда фаол қатнашиб, мамлакат тақдири учун муҳим қарор қабул қилишга чақирди.

– Албатта, ўзгаришларга рози бўлиш ёки унга қарши чиқиш ҳар бир фуқаронинг ўзига боғлиқ. Энг муҳими, қарор тафаккур орқали қабул қилиниши керак. Биз демократик давлатда яшаймиз. Шунинг учун сиз танлаш ҳуқуқига эгасиз, – деди у.

ҚР Адлия вазир ўринбосари 5 июнь куни ўтадиган референдумда ижобий қарор қабул қилинса, Қозоғистон Президентига нисбатан қатор чекловлар жорий этилишини маълум қилди.

– Референдум орқали киритиладиган конституциявий ўзгаришлар орасида энг кўп муҳокама қилинаётган масалалардан бири Президент лавозимига қўйилган чекловлардир. Бу, биринчи навбатда, Президентнинг яқин қариндошларининг сиёсий ва квазидавлат шўъбасида раҳбарлик лавозимларини эгаллаш чекланишини билдиради. Иккинчидан, Президент ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида сиёсий партияга аъзо бўлиши тақиқланади, – деди Алма Муқанова.

Вазир ўринбосарининг сўзларига кўра, Конституцияга киритилган ўзгартиришлар 12 қисмдан иборат бўлади.

– Шунингдек, Президентнинг туман, вилоят, кичик шаҳарча ва қишлоқ туманлари ҳокимларини сайлаш ва лавозимдан озод этиш ҳуқуқи бекор қилинади. Кўриб турганимиздек, бу Президент ваколатларининг қисқаришини билдиради. Бу бошқаруving «супер-президентлик» усулидан воз кечиш демакдир, – деди у.

Primeminister.kz.

Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2022 йил 14 май, шанба. №51 (3104).



АЛМАТИДАН ТОШКЕНТГАЧА

БУГУНДАН ЭЪТИБОРАН АЛМАТИ – ТОШКЕНТ ПОЕЗД ҚАТНОВИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

«Ўзбекистон темир йўллари» компанияси, «Қазақстан темір жолы» билан келишилган ҳолда, йўловчи поездлари қатновни тикланишини эълон қилди, дея хабар беради «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси.

16 майдан бошлаб Алмати-2 – Тошкент – Алмати-2 йўналишида 1/2-сонли («Тулпар-Тальго») поезд қатнови йўлга қўйилади.

Бу рейсларнинг даврийлиги Тошкентдан ҳафтасига 3 марта «Тошкент-Марказий» вокзалдан амалга оширилади.

Чипталарни электрон тарзда ҳамда темир йўл кассаларидан харид қилиш мумкин. Қозоғистон чегарасидан ўтиш учун электрон чиптани А4 шаклидаги қоғозга чиқариб олиш зарур.

Қозоғистонга кириш учун ўзбекистонликлар ПЗР-тест топширишлари керак.

Қозоғистон давлат чегарасидаги ўтиш пунктлари орқали Қозоғистонга келган барча шахслар ПЗР усули билан COVID-19га тест синовидан ўтгани ҳақида маълумотнома тақдим этиши шарт (қозоқ, рус ёки инглиз тилида). Мазкур маълумотнома Қозоғистон Республикаси давлат чегарасидан ўтишдан олдин камида 72 соатдан ошмаган муддатда бўлиши шарт.

Қуйидаги тоифа шахслардан маълумотнома талаб қилинмайди:

Қозоғистон бош давлат санитария врачлари қарорига асосан – Қозоғистон ҳудудида ҳақиқий деб тан олинган COVID-19га қарши эмланганлик паспорти/сертификати/ маълумотномасига эга шахслар;

– Қозоғистон Республикасида COVID-19га қарши ревакцинация ёки тўлиқ эмлаш курсини олган шахслар (агар иккинчи компонентни

олганидан сўнг Қозоғистон Республикаси чегарасини кесиб ўтиш вақтида 6 ойдан ошмасан);

– 5 ёшгача бўлган болалар, агар уларни кузатувчи (бирга бўлган) шахсда ушбу маълумотнома мавжуд бўлса;

– Қозоғистон Республикаси ҳукумат делегациялари аъзолари;

– Локомотив бригадалари, темир йўл, денгиз ва дарё транспорти орқали ташишларда фаолият олиб бораётган шахслар.

Қозоғистонга Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо давлатлар ҳудудидан, шунингдек, Озарбайжон, Молдова, Тожикистон ва Ўзбекистон Республикаларидан келаётган шахслар, шу жумладан, «Путешествую без COVID-19» иловасида рўйхатдан ўтишлари талаб этилади.

24 kz. маълумотлари асосида.

• Ҳукумат соати

ДАРОМАДЛАР 5 БАРАВАР ОШДИ

ҚР Миллий банк раиси нефть баҳосининг ошиши ҳисобига Миллий жамғарма даромадлари 5 баравар ошганлигини маълум қилди.

Бу ҳақда Қозоғистон Миллий банки раиси Ғалимжан Пирматов Ҳукумат йиғилишида маълум қилди.

– Жорий йилнинг тўрт ойида 2,3 миллиард долларлик хорижий валюта активлари сотилиб, республика бюджетига 1,5 триллион тенге маблағ йўналтирилди. Нефть нархининг ошиши шароитида Миллий жамғарма даромадлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5 баравардан кўпроқ ўсди ва йил бошидан буён 2,1 триллион тенгени ташкил қилди, – деди Ғалимжан Пирматов.

Туркистонда куриллаётган эшак эшиш базасига синов тариқасида сув юборилди. Натижада мутахассислар камчиликларни аниқлаб, вақтида бартараф этишади. Вилоят ҳокими Умирзақ Шўкеев мазкур иншоотга ташриф буюриб, юритилаётган тадбирлар билан яқиндан танишди. Бугунги кунда бу ерда бетонлаш ишлари ниҳоясига етмоқда. Махсус қувур ва ариқлар ўрнатилди. Ҳозир каналга 250 минг куб метр сув тўпланган.



ЭШКАК ЭШИШ КАНАЛИГА СУВ БЕРИЛДИ

– Бу – ўта муҳим лойиҳа. Спорт жамғуаси, нафақат спорт турларини ривожланишига хизмат қилади, балки сайёҳликка жўшқинлик беради, иқлим ўзгариши, кўкаламзорлаштиришга беқиёс хизмат кўрсатади, – деди минтақа раҳбари.

Сўнг Ў. Шўкеев масъул раҳбарлар билан қатор курилиш иншоотларини оралади. Белгиланган жадвалга мувофиқ иш юритилаётган теннис кортига борган вилоят раҳбари маъмурий бинода пардозлаш ишлари билан шугулланаётган курувчилар билан учрашди. Маъмурий-тадбиркорлик марказида барпо этилаётган уйлари ҳам иш қизғин. Яси кўчаси ободонлаштирилиб, гулзор барпо этилмоқда.

Умирзақ Шўкеев 25та бригадага мўлжалланган вилоят тез тиббий ёрдам станциясига ҳам ташриф буюрди. Бу ерда инфратузилма ишлари ниҳоясига етиб, ташқи пардозлаш ишлари бошланган. Ободонлаштириш кўнгилдагидек. Иншоот бир-икки ойда фойдаланишга топширилади. Полиция департаментининг тезкор бошқарув маркази биносининг томи ёпилмоқда. Минтақа раҳбари масъул раҳбарларга курилиш сифатига алоҳида эътибор қаратишни топширди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ҲАЖ ЗИЁРАТИ: 3000 КИШИГА РУХСАТ БЕРИЛДИ

Саудия Арабистони бу йил Қозоғистондан 3 минг кишига ҳаж зиёратини адо этишга рухсат берди.

Бу ҳақда Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси раиси, бош муфтий Науризбай ҳожи Тағанулининг Саудия Арабистони Қироллигида Ҳаж ва умра вазири Тавфиқ ибн Фавзан ар-Робия билан учрашуви чоғида келишиб олинди, дея хабар беради Kazinform.

Учрашувда зиёратчилар учун ҳамёнбоп ҳаво транспорти мавжудлиги юзасидан музокаралар олиб борилди. Чартер рейсларнинг нархи қозоғистонлик зиёратчилар учун қимматга тушаётгани айтилди.

Ўз навбатида Тавфиқ ибн Фавзан ар-Робия қозоғистонликларни қўллаб-қувватлашини билдирди. Икки томонлама учрашуви чоғида бу йил Қозоғистондан 3 минг нафар фуқаро ҳаж зиёратига боришига келишиб олинди.

Саудия томони зиёрат мавсумида Қозоғистонга ажратилган 3000 та расмий ўриндан ташқари ҳеч ким мамлакатга киритилмаслигини маълум қилди.

Бундан ташқари, Қозоғистон Бош муфтийси Жаҳон ислом лигаси бош котиби Шайх, доктор Муҳаммад ибн Абдулкарим ал-Исса билан учрашди.

24.kz. маълумотлари асосида.

• 15 май – Халқаро оила куни

ОИЛА ҚЎРҒОНИ МУСТАҲКАМ БЎЛСИН!

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ оиланинг жамиятда тутган ўрнини янада ошириш, уни ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оилада тиббий маданиятни шакллантириш, соғлом оила вужудга келиши учун барча ташкилий-ҳуқуқий шароитларни яратиш, оила маънавиятини юксалтириш соҳасидаги ислохотларни тизимли амалга ошириш дастури қабул қилинди.

Барча ҳамюртларимизни оила куни билан муборакбод этамиз. Бу байрам Қозоғистон учун алоҳида аҳамиятга эга. Мустаҳкам ва бахтли оила – мамлакатимиз фаровонлиги ва раванқининг асоси. Жамиятнинг муҳим бўғини бўлган оилалар қанчалик тинч ва тотув бўлса, шундагина давлат тинч ва барқарор раванқ топиши мумкин. Шу жиҳатдан, оила кўргонининг мустаҳкамлиги ва унда маънавий жиҳатларнинг шаклланиши ҳамда амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эга.

Давлат доим оила институтини қўллаб-қувватлайди ва жамғуавий оилавий сиёсатни олиб бормоқда.

ТАҲРИРИЯТ.

ВИЛОЯТ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Қозоғистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 мартдаги 826-сонли “Ҳокимларнинг аҳоли билан учрашувларини ўтказиш тўғрисида”ги Фармонининг ижроси доирасида Туркистон вилояти ҳокими Умирзақ Естайули Шўкеевнинг Сайрам тумани аҳолиси билан учрашуви 2022 йил 20 май куни соат 10.00да Оқсувкент қишлоғи, А. Байтурсинов кўчасидаги дендробогда ўтади.

Шунингдек, вилоят ҳокими 2022 йил 20 май куни соат 11.00да Оқсувкент қишлоғи, дендробогдаги Никоҳ саройида фуқароларнинг шахсий қабулини ўтказилади.

Туркистон вилояти ҳокими Умирзақ Естайули Шўкеевнинг Тулки-бош тумани аҳолиси билан учрашуви 2022 йил 20 май куни соат 15.00да Т. Рискулов қишлоғидаги “Жанкент” истироҳат боғида ўтади, шунингдек, вилоят ҳокими 2022 йил 20 май куни соат 16.00да Т. Рискулов қишлоғидаги Маданият уйида фуқароларнинг шахсий қабулини ўтказилади.

Қабулга аввалдан ёзилиш 8 (72533) 5-98-99 алоқа телефони ҳамда t.akimat@ontustik.gov.kz электрон почтаси орқали 2022 йил 19 майгача соат 9.00дан 19.00 оралиғида (тушки тамафус соат 13.00-15.00гача) амалга оширилади.

Тегишли ташкилотларнинг иштирокини таъминлаш ҳамда бевосита алоқа ўрнатиш мақсадида ариза берувчининг исми-шарифи, савол мазмуни, манзилгоҳ, алоқа телефони ҳамда электрон почта (бор бўлса) аниқ кўрсатилиши керак.

◆ Янги Қозоғистонни бирга қурамыз!

ЛОЙИҲА ЮЗДАН ЗИЁД МАНЗИЛЛАРНИ ҚАМРАЙДИ

Туркистон вилояти бўйича “Овул – эл бешиги” лойиҳаси доирасида жорий йил 249та лойиҳа амалга оширилиб, 400 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган 105та аҳоли манзилидаги ижтимоий-инфратузилмавий иншоотлар янгиланади. Ушбу мақсадда бюджетдан 16,7 млрд. тенгедан зиёд маблағ ажратилган. Лойиҳанинг ижроси Туркистон вилояти ҳокими Умирзақ Шўкеев раислигида ўтган ҳафталик девон мажлисида муҳокама қилинди.



“Овул – эл бешиги” лойиҳаси доирасида жорий йил минтақада 11та фельдшерлик-акушерлик пункти ва 1та шифокорлик амбулатория, 11та мактабга қўшимча бино қурилиб, 23та мактаб тубдан таъмирланади. 7та спорт иншооти қад ростлаб, бир спорт иншооти тубдан таъмирланади. 13та маданият иншооти қурилиб, биттасида тубдан таъмирлаш ишлари олиб борилади. 9та табиий газ таъминоти иншоотлари ва 8та электр таъминоти иншоотларининг қурилиши юритилади. 168та ички кўчалар ўртача таъмирланади. 200дан зиёд янги иншоот йил охиригача фойдаланишга топширилади. Лойиҳанинг ижроси қатъий назоратда.

Вилоят ҳокими режаланган барча лойиҳаларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлашни топширди. Бу борада ишларни янада фаоллаштириш ва мониторинг юритиш юзасидан топшириқлар берди.

“Овул – эл бешиги” лойиҳасининг асосий мақсади – қишлоқ фуқаролари фаровонлигини ошириш. Тадбирда бюджетга даромадларни ошириши ҳамда бюджетни ўзлаштириш масаласи муҳокама қилинди. Туркистон вилояти йиллик бюджетни ўзлаштириш бўйича республикада етакчи ўринда.

Минтақа раҳбари маблағлардан унумли фойдаланиб муҳим аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириб, қурилиш ишлари суръатини жадаллаштиришни топширди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



РЕФЕРЕНДУМНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ МУҲОКАМАДА

Қозоғистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиш лойиҳаси бўйича референдумни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҚР Мажлиси депутаты Ержан Қудайбергенов Келес туманига ташриф буюрди. Сафар давомида у “АМАНАТ” партияси Келес туман филиалининг ижроия котиби, туман маслаҳати депутаты Аҳмет Жумабеков ҳамда маслаҳат депутаты Нурхан Мережепов ҳамроҳлигида “Қазыналы қария – тең қоғам” ижтимоий хизмат кўрсатиш марказида қариялар билан учрашди.

Учрашувда Конституцияга умумхалқ овоз бериш йўли билан ўзгартиришлар киритиш жараёни халқ истақлари рўйбўйининг ёрқин ифодасига айланиши таъкидланди ва Президент Мақтулбаев белгиланган сиёсий ислохотлар, Янги Қозоғистонни барпо этиш ҳокимият институтлари ўртасидаги конституциявий тизимни такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

◆ 2022 йил – Болалар йили

Тулкибош тумани ҳокимлиги ва “АМАНАТ” партияси бўлими қoшидаги ёшлар қанотининг ташаббуси билан “Болалар йили” муносабати билан “Асл юрак” хайрия тадбири уюштирилди.

БОЛАЛАР ЧЕҲРАСИДА ТАБАССУМ



Имконияти чекланган болалар иштирокида ўтган тадбирда туман ҳокими Н. Байғут, Туркистон вилоят маслаҳати депутатлари Е. Ўркен ва Д. Абиш, туман маслаҳати депутатлари ва бошқалар иштирок этдилар.

Туман ҳокими Н. Байғут болаларга дил сўзларини изҳор этиб, фидойи меҳнати учун бир гуруҳ ижтимоий ходимларни ташаккурнома билан тақдирлади. Туркистон вилоят маслаҳат депутати Е. Ўркен, туман раҳбари ва ҳамкасблари билан болаларга ҳомийлик совғаларни топширди. Тантанали тадбирда болалар ҳам ўз санъатларини намойиш этдилар.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ ТАҚДИМОТИ

ҚР Маданият арбоби – Бақит Исраилов раҳбарлик қиладиган Қ. Жан-дарбеков номидаги Жетисай драма театрида драматург Ҳ. Қисибекнинг “Қонсиз қилич Қурманбек” драматининг тақдимоти ўтди.

Халқаро театр фестивалларининг лауреати Тилеген Аҳмет режиссёрлигида томошабинларга тақдим этилган мазкур саҳна асари буюк актёр, истеъдодли режиссёр Қурманбек Жандарбековнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган.

У 1936 йили Қозоғистон Халқ артисти унвони, “Ленин”, “Қизил Байроқ” ва бошқа орденлар билан тақдирланган.

Туркистон вилояти минтақавий алоқа хизмати.

“ЯШИЛ ТУРКИСТОН” МАҚСАДИ ЭЗГУ

Туркистон вилоят марказига айланганидан буён шаҳарни ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яшилликка бурканган бог ва хибонлар, кўчаларидаги дарактлар вилоят марказининг кўркини очмоқда. Қадимий шаҳардаги истироҳат боғларини ободонлаштириш, парвариш ва суғориш билан шуғулланган муассасалардан бири – “Яшил Туркистон” ДКК жамоаси.

“Яшил Туркистон” корхонаси зиммасига шаҳардаги 495 гектар майдонни парвариш қилмоқда. Унинг 190 гектарига корхонамиз мутахассислари хизмат кўрсатса, қолган майдонларга пудратчилар масъулдир. Айни пайтда корхонада 200 нафарга яқин одам меҳнат қилмоқда. Улар истироҳат боғларига даракт кўчатлари ўтқизишдан ташқари, майсазорларни парвариш, бегона ўтлардан, чиқиндилардан, қурган барглardan тозалаш, шаҳардаги меъморий мажмуалар ва ҳайкалларни бўяш билан ҳам шуғулланмоқда, – дейди муассаса директори Кўркемжан Турсинбайули.

Таъкидлаш жоизки, корхона томонидан ўтган йили 200 минг туп даракт, 140 минг туп гул кўчатлар ўтқазилган, шаҳарнинг 95 минг квадрат метр майдонига кўчатлар экилган эди. Йил бошидан буён 12 гектар майдонга 15 046 туп кўчат ўтқазилиб, 9 минг квадрат метр майдон ободонлаштирилди. Шунингдек, гулларга мўлжалланган ҳудудларга 110 минг туп кўп йиллик, 90 минг туп бир йиллик гул кўчатлари ўтқазилди. Чунончи, қўқонгул, чамангул, сальвия, заъфарон, карнайгул ва атиргуллар кўчаларга кўрк бериб турибди.

Кўчатларнинг илдиз отиши ва униб чиқишида суғориш тизимининг аҳамияти улкан. Шу мақсадда шаҳардаги хибон ва боғларда кўчаларда автоматлаштирилган суғориш тизими жорий этилди. Кўчатлар ҳар куни суғорилади. Шаҳарнинг суғориш тизими мавжуд бўлмаган айрим ҳудудлари учун 10та махсус автомашина ажратилган.

Бақдаулет АНАРБАЙ.

Туркистон вилоят маслаҳати ҚАРОРИ

2022 йил 6 май. № 15/192-VII

Туркистон шаҳри.

Туркистон вилоятининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирлаш тўғрисида

Вилоят маслаҳати қарор қилди: Вилоятнинг ижтимоий ҳаётидаги хизматлари ва фаол иштироки учун Туркистон вилояти Фахрий ёрлиғи билан куйидагилар тақдирлансин:

АХИМБЕТОВ Бахит Сарсенбайули – Туркистон вилоят ижтимоий тараққиёт бошқармаси раҳбарининг ўринбосари;

БЕРТАЕВА Ақбўне Есимханқизи – Туркистон вилоят маслаҳати девонининг бош нозири;

ЕРНАЗАРОВ Ғалимжан Бақитжанули – Туркистон вилоят маданият бошқармасининг “Конгресс холл кўп соҳали мажмуаси” ДҚХК директори;

НАЗАРОВ Асқан – меҳнат фахрийси;

ЎТЕГЕНОВА Айзада Екпикқизи – Ш. Қалдаяқов номидаги Туркистон вилоят филармонияси директори ўринбосари;

СУЛЕЙМЕНОВА Мира Пернебекқизи – вилоят ҳокимининг матбуот хизмати раҳбари, Туркистон вилоят ҳокими девони;

ТЕМИРХАН Асилхан Темирханули – Туркистон вилоят маданият бошқармаси раҳбарининг ўринбосари;

УМАРАЛИЕВ Қобулжон Абдуҳамид ўғли – 65-сонли Абдирашид Музрапов номидаги умумий ўрта мактаб директори, Сайрам тумани.

Қ. БАЛАБИЕВ, вилоят маслаҳати котиби.

КИЧКИНТОЙЛАРГА ТУҲФА

Туркистон шаҳрининг кичик туманларида ободонлаштириш ишлари қизғин давом этмоқда.

Бугунги кунда 1-кичик туманда 25 минг квадрат метр йўл асфальтланиб, 10та болалар ўйингоҳи ва стрит-воркаут барпо этилди.

Бундан ташқари, режага мувофиқ яна 40 квадрат метр йўл асфальтланади. Шунингдек, яна 9та болалар ўйингоҳи ва 2та футбол майдончаси фойдаланишга топширилади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



◆ Брифинг

СЎЗОҚЛИКЛАР ПЕШҚАДАМ

Сўзоқ туманида ўтган йил якунларига кўра ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 453 млрд. 824 млн. тенгени ташкил этди. Ушбу кўрсаткич 2020 йилга нисбатан 135 млрд. тенгегача кўндр. Бу ҳақда Сўзоқ тумани ҳокими Мухит Турисбеков маълум қилди.

– Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 92,5 фоизи – саноатга тўғри келади. Хусусан, тоғ-кон саноатида 329 млрд. 367 млн. тенге, қайта ишлаш саноатида 85 млрд. 32 млн. тенгелик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Шу билан бирга туман иқтисодиётига 52,8 млрд. тенге сармоя жалб этилди. – деди Мухит Сексенбайули.

Шунингдек, сармоянинг 87 фоизи саноат соҳасига, 12 млрд. тенгеси бинокорликка, 13 млрд. тенгеси транспорт ускуналарини харид қилиш ва таъмирлашга сарфланган.

Туманда ўтган йили 405та янги тадбиркорлик субъекти очилди. “Ырыс” микрокредит ташкилоти орқали туманда амалга оширилаётган 25та лойиҳага 90 млн. тенге маблағ ажратилган.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

Туркистондаги Х. Яссавий номидаги Халқаро қозоқ-турк университетиде туркий халқларнинг “Дўстлик фестивали” ўтди.

ДЎСТАРНИ ЖАМЛАГАН ТАДБИР

Тадбирда зиёлилар, Туркистон вилоят Қозоғистон халқи Ассамблеясининг аъзолари, Туркистон вилоят ижтимоий тараққиёт бошқармаси “Жамоат тотувлиги” ДҚКнинг раҳбарияти, минтақамиздаги этномаданият бирлашмаларининг етакчилари, “Ассамблея ёшлари” Туркистон вилоят вакиллиги ва шаҳар фаол ёшлари иштирок этишди. Анжуман аввалида турли этнос вакиллари уюштирган миллий таомлар кўргазмаси ташкил этилди.

ҚХТУ ректори Жанар Темирбекова тадбирни очаркан, эзгу тадбирнинг моҳиятига тўхталиб, ҳамжиҳатлик ришталарининг мустаҳкамланаверишини тилади. Ректорат вакили Жениз Тўмар юртимизда истиқомат қиладиган барча этнос вакилларининг тили ва маданиятининг сақланишига имконият яратилганини таъкидлаб, барча қозоғистонликларга бахт-баракат тилади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

КОНСТИТУЦИЯГА КИРИТИЛАДИГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев жорий йил 5 июнда Конституцияга ўзгаришлар киритиш лойиҳаси бўйича республика референдумини ўтказиш тўғрисидаги Фармонни имзолади.

Конституциявий ислохот – Президентнинг март ойидаги Қозоғистон халқига Мақтубида белгиланган сиёсий ислохотлар дастурини амалга оширишда муҳим қадам бўлди.

Конституцияга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар лойиҳаси фуқароларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, бутун жамиятнинг манфаатини кўзлаган ҳолда ҳаётга татбиқ этилади. Бош Қомусга киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар лойиҳаси таниқли ҳуқуқшунослар ва конституциявий ҳуқуқ соҳасининг мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган. У Конституциявий Кенгаш томонидан ижобий баҳоланди.

Конституцияга киритилган барча ўзгариш ва қўшимчалар ўзаро боғлиқ бўлиб, бир мақсадни кўзлайди. Хусусан, куйидаги жараёнларнинг ҳуқуқий асосларини шакллантиришга қаратилган:

1. Суперпрезидентлик бошқарув шаклидан президентлик республикага ўтиш;
2. Ҳокимиятнинг қатор ваколатларини қайта тақсимлаш;
3. Парламентнинг ролини ва мақомини кучайтириш;
4. Давлатни бошқаруви ишида фуқароларнинг иштирокини кенгайтириш;
5. Фуқароларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш усулларини такомиллаштириш.

«Қозоғистон Республикасининг Конституциясига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси республика матбуотида 6 май куни расман эълон қилинди.

Конституциянинг амалдаги ва янги мазмунининг фарқини, таклиф этилаётган тузатишларнинг асл моҳиятини аниқлаш бу каби жараёнлардан беҳабар одам учун қийинчилик туғдириши аниқ.

Шу сабабли одамларга тушунарли бўлиши учун ушбу тузатишлар бир неча қисмга бўлинган бўлиб, уларда Конституциянинг муайян моддалари ва бандлари кўрсатилган.

СУПЕРПРЕЗИДЕНТЛИК БОШҚАРУВ УСУЛИДАН ПРЕЗИДЕНТЛИК РЕСПУБЛИКАГА БУТУНЛАЙ ЎТИШ

Конституциявий ислохот ҳокимият тармоқлари ўртасидаги мувозанати ва мақбуллигини шакллантиради. Шунингдек, президентлик институтининг имкон қадар муқобил бўлишини таъминлайди.

Бош Қомусимизнинг 43-моддасига 3-банд қўшилади. Унда Қозоғистон Республикаси Президенти ўз ваколатларини амалга ошириш даврида сиёсий партия аъзоси бўлмаслиги шарт, деб кўрсатилади. Шунга мувофиқ, Конституциявий суд, Олий суд ва бошқа судларнинг раислари ва судьялари, Марказий сайлов комиссияси, Олий аудиторилик палатаси раислари ва аъзоларига ҳам шундай таъқиқ қўйилади (Конституциянинг 23-моддаси 2-бандининг янги тахрири). Натижада сиёсий рақобат кучайиб, барча сиёсий партиялар ривожланиши учун тенг имконият бўлади, муқобил ва адолатли қарор қабул қилади.

Давлат раҳбари барча фуқарога тенг имконият берилишида дахлсиз кафолати бўлиши керак. Шу сабабли, Конституциянинг 43-моддасига 4-банд қўшилади. Унда «Президентнинг яқин қариндошлари давлат сиёсий ташкилотлари, квазидавлат шўъба тузилмалари раҳбари лавозимларида ишлаш ҳуқуқига эга эмас», деб кўрсатилади.

Ишчи гуруҳи аъзоларининг таклифига кўра, Тўнғич Президентнинг Президентлик лавозимига кетма-кет икки мартадан ортқ сайланишига имкон берадиган модда (Конституциянинг 42-модда, 5-бандининг янги тахрири), шунингдек, Тўнғич Президентнинг мартабаси ва ваколатлари Конституция ва конституциявий қонун билан белгиланган 46-моддасининг 4-банди Конституциядан олиб ташланади.

Конституциянинг 91-моддасида Тўнғич Президентнинг мустақил Қозоғистоннинг асосчиси сифатидаги мақоми тўғрисидаги меъёр олиб ташланади. (Конституциянинг 91-моддаси, 2-бандининг янги тахрири).

Конституциявий ислохот натижасида тегишли ҳудуддаги аҳолга масъул маҳаллий вакил ва ижро органларининг маҳаллий давлат бошқаруви ва ўзини-ўзи бошқариш ваколатлари кенгайтирилади.

Лойиҳада Президентнинг вилоятлар, республика аҳамиятига эга шаҳарлар ва пойтахт ҳокимлари актрларининг кучини беқор қиладиган ёки ижросини тўлиқ ёки қисман тўхтатиб туриш ваколатини олиб ташлаш кўзланган (Конституциянинг 44-модда 3-бандининг янги тахрири).

Шунингдек, Президентнинг туман, шаҳар, қишлоқ округлари ҳокимларини лавозимидан озод этиш ваколатини олиб ташлаш кўзланган (Конституциянинг 87-модда 4-бандининг янги тахрири).

Вилоятлар, республика аҳамиятига эга шаҳарлар ва пойтахт ҳокимларининг ваколатлари ҳам сезиларли ўзгаради.

Конституциянинг 87-модда 4-бандининг янги тахририга кўра, энди улар вилоят ҳудудида жойлашган маслаҳат депутатлари, республика аҳамиятидаги шаҳарлар ва пойтахтнинг маслаҳат депутатлари розилиги билан Президент томонидан тайинланади.

Давлат раҳбари камида икки номзодни тавсия қилади, улар овозга солинади. Овоз беришда қатнашган депутатларнинг кўпчилиги овозини олган номзод розилик олган деб ҳисобланади. Шу тариқа Президентнинг

маҳаллий давлат ҳокимияти органларига нисбатан ваколатлари қисқартирилади ва у маслаҳатларнинг ролини сезиларли даражада ошириш орқали минтақавий даражадаги ҳокимларнинг ёнида жипслашади.

ҚАТОР ҲОКИМЛИК ВАКОЛАТЛАРИНИ ҚАЙТА ТАҚСИМЛАШ

Сенатдаги Президент квотаси сони 15 нафардан 10нафар депутатга қисқаради. Улардан беш нафарини Қозоғистон халқи Ассамблеяси тавсия қилади (Конституциянинг 50-модда 2-бандининг янги тахрири).

Сенатнинг ваколатлари қатор ҳуқуқлар билан тўлдирилади. Жумладан, Сенат Президент тавсия қиладиган Конституциявий Суд ва Олий Суд Кенгаши раислари лавозимига номзодларнинг тайинланишига розилик бериш ҳуқуқига эга бўлади (Конституциянинг 44-модда, 4-банди, 55-модда 2-банди ва 82-модда 4-банди янги тахририда).

Умуман олганда, Конституциявий Суд (ҳозирги Конституциявий Кенгаш ўрнига) ташкил қилиш орқали конституциявий назорат институти янгиланади.

Конституциявий Суд 11 судьядан иборат бўлади (ҳозирги Конституциявий Кенгашнинг 7 нафар аъзоси бор).

Конституциявий Суд таркиби куйидаги усулда тузилади: 6 судьяни Парламент (Мажлис ва Сенатнинг ҳар бири 3 судьядан), 4 судьяни эса Президент тайинлайди. Конституциявий Суд раисини юқорида таъкидланганидек, Сенат розилиги билан Президент тайинлайди (Конституциянинг 57-модда 1-банди, 58-модда 3-банди, 7-бандчаси ва 71-моддаси янги тахририда).

Республика бюджетни ижросини назорат қилиш бўйича ҳисоб кўмитаси Олий аудиторилик палата бўлиб ўзгаради. Унинг раиси йилига икки марта Мажлис депутатлари олдида ҳисобот беради (Конституциянинг 53-модда 2-бандчаси, 56-модда 1-бандининг 3-1 бандчалари янги тахририда).

«Давлат котиби» институти «Давлат маслаҳатчиси» институти бўлиб ўзгаради (Конституциянинг 44-модда 19-бандчаси янги тахририда). У Давлат раҳбарига тавсия ва таклифлар тайёрлаш билан шуғулланади.

ПАРЛАМЕНТНИНГ РОЛИ ВА МАҚОМИНИ МУСТАҲКАМЛАШ

Конституциявий ислохот натижасида бошқарувнинг қонун чиқарувчи тармоғи сезиларли даражада ўзгаради. Шу тариқа, Парламент ва унинг палаталарининг роли ва мақоми сезиларли даражада мустаҳкамланади.

Юқорида таъкидланганимиздек, Президент Конституциявий Суд ва Олий суд Кенгаши раисларини тайинлаш учун Сенатнинг розилигини олади. Шунингдек, Президент Сенатга 15 эмас, 10 нафар депутатни тайинлашни айтгандик. Унинг беш нафари Қозоғистон халқи Ассамблеяси тавсиясига кўра тайинланади (Конституциянинг 50-модда 2-банди янги тахририда).

Ўз навбатида Қозоғистон халқи Ассамблеясининг Мажлисидаги квотаси Сенатга берилади. Унинг сони 9тадан 5тага қисқаради. Шунга мувофиқ, Мажлис депутатларининг умумий сони 107дан 98га камаяди (Конституциянинг 50-модда 3-банди янги тахририда).

Мажлис депутатлари аралаш сайлов тизими билан, яъни пропорционал ва мажоритар тизим бўйича сайланади (Конституциянинг 50-модда 3-банди янги тахририда). Аралаш сайлов тизими барча фуқароларнинг ҳуқуқларини тўлиқ сақлаш, сайловчиларнинг манфаатини ҳимоя қилиш имконини беради.

Сайловчиларнинг бир мандатли сайлов округи бўйича сайланган Мажлис депутатларидан мандатни қайтариб олиш ҳуқуқи жорий этилади (Конституциянинг 52-модда 5-банди янги тахририда). Натижада демократия анъаналари кучаяди, депутатлар ва сайловчиларнинг орасида ўзаро масъулият ва ишончга асосланган янги сиёсий маданият шаклланади.

Мажлисининг ваколатлари кенгайтирилиб, республика бюджетни ижросининг сифати устидан парламент назорати кучаяди. Шу мақсадда, юқорида таъкидланганимиздек, Республика бюджетининг ижросини назорат қилиш бўйича ҳисоб кўмитаси Олий (аудиторилик) палатаси бўлиб қайта ташкил этилади. Унинг раиси Мажлис депутатлари олдида йилига икки марта ҳисобот беради (Конституциянинг 53-модда 2-бандчаси янги тахририда). Бу Мажлисининг ва умумий Парламентнинг мақомини янада мустаҳкамлайди.

Сиёсий тизимда мувозанат ва назорат дастакларини мустаҳкамлаш ва қонун ижодкорлиги фаолиятини таҳминлаштириш мақсадида Мажлисга қонунларни қабул қилиш (илгари қонун лойиҳалари кўриб чиқилган), Сенатда маъқуллаш ё маъқулмаслик ваколати берилади (Конституциянинг 61-модда



4 ва 5-бандлари ва 62-модда 5-банди янги тахририда).

Парламент конституциявий қонунларни Палаталарнинг умумий мажлисида, камида икки ўқишда қабул қилади (Конституциянинг 53-моддаси янги тахририда).

Алоҳида зарурат туғилса, қонунларни тезкор қабул қилиш тартиби жорий этилади. Аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи, конституциявий тузумга, жамоат тартибига, мамлакатимизнинг иқтисодий ҳавфсизлигига таҳдид солувчи вазиятларга тезкор чора кўриш мақсадида Ҳуқуматнинг қонун чиқариш ташаббуси орқали киритилган қонун лойиҳалари Парламент палаталарининг қўшма мажлисида тезкор кўриб чиқилади. Уларни муҳофаза қилиш вақтида Ҳуқумат қонуний кучга эга вақтинча ҳуқуқий-меъёрий актлар қабул қила олади (Конституциянинг 61-модда 2 ва 3-бандларига қўшимчалар киритиш).

Бундай ёндашув мамлакатимизга хавф солган таҳдидни бартараф этиш учун ҳокимлик турли даражадаги идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш учун зарур. Ундан доимий равишда, кундалик иш давомидида фойдаланиб бўлмайди. Бу Парламент депутатлари ва Ҳуқумат аъзолари ўртасида ўзаро муносабатлари орқали амалга оширилади.

МАМЛАКАТНИ БОШҚАРИШДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ИШТИРОКИНИ КЕНГАЙТИРИШ

Конституцияда ер ва ер ости, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, бошқа табиий бойликлар халққа тегишли экани тўғрисидаги меъёр аниқ ва қатъий белгилаб қўйилган. Мулкка эгаллик ҳуқуқини халқ номидан мамлакат амалга оширади (Конституциянинг 1-модда 2-банди янги тахририда).

Юқорида таъкидланганидек, Мажлис депутатларини аралаш сайлаш тизими билан: яъли умумий сайлов округи ҳудудида пропорционал тизим бўйича, шунингдек, бир мандатли ҳудудий сайлов округлари бўйича сайлаш тавсия қилинади (Конституциянинг 50-модда 3-банди ва 51-модда 1-банди янги тахририда). Шунингдек, бир мандатли ҳудудий сайлов округи бўйича сайланган Мажлис депутатларининг мандатини қайтариб олиш имконияти пайдо бўлади (Конституциянинг 52-модда 5-бандининг янги тахрири).

Вилоятлар, республика аҳамиятига эга шаҳарлар ва пойтахтнинг ҳокимларини Президент минтақанинг (шаҳарнинг) маслаҳатлари депутатларининг розилиги ва муқобиллик асосида (камида икки номзод тавсия қилинади) тайинлайди (Конституциянинг 87-модда 4-банди янги тахририда). Натижада муайян бир ҳудуднинг равангага масъул маҳаллий вакил ва ижро органлари амалга оширадиган давлат бошқаруви ва ўзини-ўзи бошқариш кафолатлари мустаҳкамланади.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Юқорида қайд этилганидек, Конституциявий Кенгаш Конституциявий Суд сифатида қайта ташкил этилади. Конституциявий Суд фуқаролар илтимослари бўйича уларнинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлари билан бевосита боғлиқ бўлса, Қозоғистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий актларининг Республика Конституциясига мувофиқлигини кўриб чиқади (Конституциянинг 71,74-моддалари янги тахририда).

Улим жазосини қўлламаслик тўғрисидаги қарор конституциявий даражада тасдиқланади (Конституциянинг 15-модда 2-банди янги тахририда).

Прокуратуранинг ваколати, унинг таркиби ва хизмат тартиби Конституциявий қонун билан белгиланади (Конституциянинг 83-модда 4-банди янги тахририда). Бу ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизматининг тизимли ишлашини ва қонунда белгиланган тартибга мувофиқ давлат номидан Қозоғистон Республикаси ҳудудида қонунчиликка риоя қилинишида назоратни кучайтириш зарур.

Конституциянинг янги 83-1-моддаси меъёрлари Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилга дахлсизлик беради. У фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда бошқа давлат органлари ва мансабдор шахсларга қарам бўлмайди, ҳеч ким олдида ҳисобдор эмас. У ўз ишида Конституциявий Судга мурожаат қилиши мумкин. Одам ҳуқуқлари бўйича вакилнинг ҳуқуқий мартабаси ва хизматини ташкил этиш Конституциявий қонун орқали белгиланади.

Шундай қилиб, конституциявий ислохот фуқароларнинг мамлакатни бошқаришда имкониятларини кенгайтириб, сиёсий жараёнларни демократлаштиришга ишончим комил.

Ерлан ҚАРИН,
Қозоғистон Республикаси
Давлат котиби.

МАХСУС ШТАБ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

ҚР Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев 2022 йил 5 июнь куни Республика референдумини ўтказиш тўғрисида Фармонга имзо чекди. Шу ўринда Туркистон вилоятида махсус Жамоат штаби қурилди. Бу ҳақда Туркистон вилоят жамоат штабининг раҳбари Қайрат Балабиев маълум қилди.

– Референдумда жамоат бирлашмаларининг вакиллари, хорижий назоратчилар иштирок эта оладилар. Туркистон вилоятидаги Жамоат штаб таркибида зиёлилар, ОАВ вакиллари, ёшлар, ноҳуқумат ташкилотлари ва сиёсий партия вакиллари бор, – деди Қайрат Рахимули.

Шунингдек, Туркистон вилояти бўйича экспертлар гуруҳи ҳам ташкил этилди. Гуруҳ таркибига ҳуқуқ, тарих, иқтисодий докторлари, ўқитувчилар ва магистрлар киритилган.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

• Янги Қозоғистонни бирга қурамыз!

РЕФЕРЕНДУМ

Қўллаб-қувватланмоқда

«AMANAT» партиясининг раиси Ерлан Қўшанов Конституцияга ўзгаришлар киритиш бўйича референдумни қўллаб-қувватлаш юзасидан ўтказган республика штабининг видеонажуманида иштирок этди.

Унда умумхалқ референдумини ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватлаш юзасидан «AMANAT» партиясининг мурожаати эълон қилинди.

Тарғибот ишлари ва тadbirlarни ташкил этиш мақсадида партия томонидан 17та республика ва 17та минтақавий штаблар ташкил этилди.

Туркистон вилоятида партия филиаллари қошида 18та штаб тузилиб, дастлабки йиғилиш ўтди.

Партия раиси Е. Қўшанов кенг қўламли ислохотлар сайлов, партия ва суд-ҳуқуқ тизими, ҳудудий-минтақавий тузилма ва ҳокимиятлар ваколатларини қайта тақсимлаш тамойилини тубдан ўзгариштириши таъкидлади.



Насиба ОТАЕВА,
вилоят маслаҳати депутати.

ЖАМОАТ КЕНГАШЛАРИ ФАОЛЛАШДИ



«AMANAT» партиясининг навбатдан ташқари ХХII сьезида унинг шу пайтдаги раиси Қ. Тўқаев партия аъзоларига жамоат кенгашларининг самардорлигини ошириш мажбуриятини юклаган эди. Партияни замонавийлаштириш дастури доирасида уларнинг сонини минтақавий кенгашларда 14дан 9гача, ҳудудий кенгашларда 9дан 5гача қисқартирилди.

Вилоят партия филиалининг ижроия котиби, фракция етакчиси Бейсен Тажиббаев янги минтақавий жамоат кенгаши раислари иштирокида мажлис ўтказди. Улар сайловолди дастурлар ижросини назорат қилади. Вилоят Сиёсий кенгаши бюросида кенгашларнинг янги таркиби ва раислари тавсия этилиб, тасдиқланган эди. Менга ёшларни қўллаш бўйича жамоат кенгаши раислик қилиш топширилди.

Динара ЕГАМБЕРДИЕВА,
Туркистон вилоят маслаҳатининг депутати.

БОҒЧАДА БЕЛЛАШУВ ЎТДИ



«Шапағат-педагог» таълим соҳаси ходимларининг касба уюшмаси жамоалари ташаббуси билан, Сайрам туманига қарашли мактабгача таълим муассасалари ходимлари ўртасида «Жўйрқтен жўйрқ» мавзусида заковат спорт беллашуви ўтди.

Ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини татбиқ этиш мақсадида ўтказилган тадбир файзли ўтди. Иштирокчилар даставвал ўзларини таништиришди. Эстафета мусобақалари уюштирилди. Тадбирда 27 нафар ходим иштирок этди.

Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра «Разия ана» болалар боғчаси жамоа бош совринни кўлга киритди. «Шапағат» ва «Гулистон» бола боғчалари биринчи ўринни, «Бёбек», «Еркежан 2017» ва «Ырыслы апа 2» бола боғчалари иккинчи ўринни, «Ақ қайын», «Сумблшаш», «Жанар» ва «Жанерке» боғчалари учинчи ўринни эгаллади. Иштирокчиларга эсдалик совгалари топширилди.

Ғалаба муборак, қадрли боғча ходимлари!

Гулнар НУРТАНОВА,
Сайрам туман маслаҳати депутати,
«AMANAT» партияси фракциясининг аъзоси.

◆ Обуначиларимиз орасида



“ҒАЛАБА” ИСТИРОХАТ БОҒИДА

Вилоят маркази Туркистон шаҳридаги “Ғалаба” истироҳат боғидаги мрамор лавҳага 1941-1945 йилларда фронтга сафарбар этилган 18547 уруш қатнашчиларининг исми-шарифи битилган.



Бу ерда Чипон қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси, қишлоқ имоми, Жумадулла Абенов бугунги оқомида ҳаётимиз учун жанг майдонларида жон олиб,

– меҳнат фахрийси Ҳалиллоҳ Абдукаримов, Омонулло Абдукаримов, Эрмамат Насруллаевларга вилоятимиздаги А. Юсупов раҳбарлигидаги “Қурмет” жамоат бирлашмаси томонидан таъсис этилган “Халқ эҳтироми” ордени тананали равишда, эзгу ният – мақсадимиз поёни зафарли, ғалаба билан яқунлансин, дея эҳтиром ила топширилди. Юсак мукофот муборак бўлсин!

Шу ўринда Ғалаба байрами тантанаси-



ўрнатилганида икки қахрамон – Абдулла Усенов ва Қурбонбой Ирисбековлар ёдгорлигининг ўрни алмашиб қолади. Бу ҳақда мен мухбир сифатида кўп ташкилотларга мурожаат этдим. Ваъда беришди, аммо амалда ҳеч нарса ўзгармади. 2019 йили Ғалаба байрами арафасида Чурноқдан қахрамоннинг невариси Қурбон-



бой Ирисбеков кўнгирак қилиб, ёрдам сўради. Мен шаҳар ички сиёсат бўлимига мурожаат қилдим. 2010 йили ҳамкасбимиз, ҚР Журналистлар уюшмаси аъзоси Балтабай Нуржанов муҳаррирлигида нашрдан чиққан “Ерлик даңқи ошпейди” китобидаги маълумотларни суратлари билан электрон почта орқали ҳокимликка йўлладим. “Туркистон-насос” МЧБ раҳбари Қахрамон Ирисбеков, Қурбонбой Ирисбеков уювлони ички сиёсат бўлимида ушбу масалани муҳокама қилдик.



жон берган ота-боболаримиз хотирасига Қуръон тиловат қилди. Саврон туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Қурбонбой Ирисбеков умр йўлдоши Шарифа Ўразбекова ва ўғли Улуғбек билан бобоси – Совет Иттифоқи Қахрамони Қурбонбой Ирисбеков ёдгорлиги пойига гулчамбар кўйди.

Авал келишилганидек, Чипон қишлоқ фахрийлар кенгаши раиси Бахтиёр Исаев, қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Жумадулла Абеновнинг саъй-ҳаракати билан ҳамқишлоқлари

га бевосита алоқадор шонли воқеа ёдимга тушди. Туркистон шаҳар ҳокими Алипбек Ўсербоев саъй-ҳаракати билан истироҳат боғида уруш иштирокчилари хотирасига улкан ёдгорлик барпо этилиши муносабати билан тўрт нафар туркистонлик уруш қахрамони – Абдулла Усенов, Қурбонбой Ирисбеков, Файзулла Йўлдошев, Расул Исетовларга ўрнатилган ёдгорликлар ҳам қайта таъмирланиб, янги жойга ўрнатилди. Қурувчиларнинг эътиборсизлиги ми ёки бошқа сабаб ... хуллас, янги жойга

Пировардида қахрамонлар исми-шарифи ёзилган лавҳаларни алмаштирадиган бўлди. Яна бир неча қурувчи тер тўкиб, ниҳоят ишни муваффақиятли уйдлади. Ёдгорлик пойида ўтириб, ўтганлар руҳига Қуръон тиловат қилинди. Биз ёш авлод олдидаги, тарих олдидаги, қолаверса, қахрамонлар руҳи олдидаги бурчимизни адо этганимиздан мамнун эдик.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: байрамдан лавҳалар

Муаллиф тасвирлари.

Туркистон шаҳридаги Нурбўл Амирханули раҳбарлик қилаётган 20-сонли Р. Исетов номли мактабга шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси ўринбосарлари Зокир Бекенов ва Замир Муҳаммаджоновлар ҳамроҳлигида ташриф буюрдик. Таъкидлаш жоиз, бу ерда биринчи директор, Туркистон шахрининг фахрий фуқароси Эргаш Диметов ташаббуси билан ажойиб боғ яратилган. Мактаб ҳовлисидаги дид билан ишлов берилган арча дараклари дилни яйратарди. Лекин, ҳозир нима учундир ҳовлидаги нина баргли дараклар қуримокда.



Директорнинг ўринбосари Абдуғаффор Маҳкамбоев илтимосига биноан ушбу муаммони вилоят, шаҳар маслаҳати депутатлари Насиба Отаева, Ўғилжон Воситовлар эътиборига етказдик. Мактаб маъмурияти ва ота-оналар номидан даракларни даволаш учун зарур дори-дармонлар рўйхати – илтимоснома депутат Насиба Отаевага тақдим этилди. Давлат томонидан “Яшил белбоғ” дастури доирасида бюджетдан ажрати-

Р. ИСЕТОВ НОМЛИ МАКТАБДА

лаётган маблағларнинг бир қисми мана шундай ёрдамга муҳтож масканларга берилса, минглаб дараклар сақлаб қолинарди. Собиқ директор Эргаш Диметов маслаҳатини аямаяпти. Мактаб боғбонлари Йўлдош Маммадраимов ва Ҳусан Абсаломовлар ҳам 2005 йили ўтказилган арчаларни сақлаб қолиш ҳаракатида.

Директор ўринбосари А. Маҳкамбоевнинг илтимосига биноан “Улес” хайрия жамғармаси раиси Райимжон Қўчқоров ташаббуси билан ташкил этилаётган турли танлов ва мусобақаларда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Севара Асатуллаева ташкилотчилигида мактаб жамоаси энди фаол иштирок этадиган бўлди. Мактаб кутубхонасига директор ўринбосари А. Маҳкамбоев билан ташриф буюриб, кутубхоначи Нигора Қаюмова билан обуна масаласини муҳокама қилдик. Шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Баҳодир Ирисметов, “Жанубий



Қозоғистон” газетаси муҳаррири Алишер Сотволдиев, раис ўринбосари Замир Муҳаммаджонов ҳамда камина биргаликда ўтган ийли ўқитувчилар жамоаси билан



обунага бағишлаб, улкан йиғилиш ўтказиб, юзма-юз учрашганимиздан сўнг ушбу жамоа 60 нусха “Жанубий Қозоғистон” газетасига обунани расмийлаштирди. Мактаб ўқитувчиларидан, “Жанубий Қозоғистон” газетаси обунасида фаол бўлишларини яна бир бор илтимос қиламиз. Олти ойга таҳририят орқали обуна бўлганларга газета имтиёзли баҳода (2000 тенге) етказиб берилади. Обуна нархи барча нашрлар ичида энг арзони. Ҳафтасига уч марта чоп этиладиган “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти хизматингизга шай.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: учрашувдан лавҳалар.

Муаллиф суратга олган.

◆ Қадриятларимиз

ИБРАТЛИ ТАДБИР

110-сонли Зиёмат Ҳусанов номли мактабда “Мутулаага муштоқ китобхон” мавзуида маданий-маърифий тадбир ўтди. Таъкидлаш жоиз, сўнгги йилларда ўқувчиларда бадий адабиётга қизиқишнинг сусайиши кузатишмоқда. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Биринчидан, замонавий ахборот технологиялари шиддат билан ривожланиб, китоб ўқишга вақт етмаяпти. Иккинчидан, Ўзбекистондан бадий адабиётларнинг келиши ҳам камайган. Шунинг учун бўлса керак, юртдошларимиз замонавий ўзбек адабларининг ижодидан баҳраманд бўлолмапти.

сис сифатида танилган, ҳалол меҳнати билан эл орасида обрў-эътибор қозонишган.

9-, 10-, 11-синф ўқувчиларидан иборат жамоа таркибидан иштирок этган йигит-қизлар ҳам саволларга атрафлича жавоб бериб, А. Қодирнинг ижодидан бохабарликларини, шунингдек, “Ўтган кунлар” романини пухта билишларини намоён қилишди.



Тадбирдан кўзланган мақсад эса ўқувчиларда китоб ўқишга меҳр уйғотиш, уларнинг дунёқарашини кенгайтириш, тафаккурини ривожлантириш, сўз бойлигини ошириш ҳамда мутулаа кўникмасини шакллантириш эди.

Муассаса директори Холмурод Йўлдошевнинг айтишича, жорий ўқув йилида мактабнинг турли йиллардаги битирувчилари билан бир неча бор шу каби учрашувлар уюштирилиб, сезиларли ижобий натижаларга эришилган. Ҳозир кутубхонадан бадий китоб олаётган ўқувчиларнинг бирмунча кўпайгани сезилмоқда.

Бу галги учрашувга таниқли ўзбек адаби Абдулла Қодирнинг “Ўтган кунлар” романи танланди.

Ушбу асар мустақил ҳаёт бўсағасида турган ёшларга таълим-тарбия берибгина қолмай, уларда миллий онгни шакллантиради ҳамда халқимизнинг урф-одатлари ва қадриятларини эъзозлашга ўргатади.

Тадбир иштирокчилари – мактабнинг 1978 йилги битирувчилари Тожибуви Режаматова, Мақсад Ходиматов, Матлуба Нишонбоева, Нигматжон Тўлааматов, Ирисмат Ашурматов, Зокиржон Мўминжонов, Анорой Мирҳожиева, Тўрашвой Холматов, Шуҳрат Ҳайитматов, Гулнора Ортиқматова, Зулхумор Йўлдошева, Мунаввар Усмонова бугунги кунда педагогика, тадбиркорлик, тиббиёт, тикувчилик, журналистика каби турли соҳаларда хизмат қилиб, малакали мутахас-

Дарҳақиқат, бадий адабиёт – ҳаётимизнинг ажралмас қисми. Буни кўпчилик яхши тушунади. Тадбирнинг кўтаринки руҳда ўтиб, катта қизиқиш уйғотгани – бунинг ёрқин далили. Мактаб руҳшуноси Гавҳар Йўлдошева, ўқитувчилар Саида Сидиқматова ва Зулхумор Ирисматова томонидан тайёрланган саволлар ҳам иштирокчиларни ўйлантириб, мулоҳаза қилишга ундади. “Ўтган кунлар” асари бўйича ўқувчилар ижро қилган саҳна кўринишлари эса барчага манзур бўлди.

З. МЎМИНЖОНОВ.

Тасвирда: тадбир иштирокчилари.

● Обуначиларимиз орасида



Шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси ўринбосарлари Зокир Беков ва Замир Муҳаммаджоновлар ҳамроҳлигида Хусан Диметов раҳбарлик қилаётган Шароф Ниёзов номли мактабга ташриф буюрдик.

Ушбу муассасада ўтган йили тахририят тавсияси билан «Улес» хайрия жамғармаси маъмурияти таъсис этган «Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси» унвони билан тақдирланган Хусан Тўлаған ўғли ёшларнинг сифатли билим ва тарбия олиши, шунингдек, мактабнинг ободончилик масаласида тинимсиз саъй-ҳаракати билан танилмоқда. Мактаб шаҳарнинг марказий бозорга яқин, автомашиналар қатнови гавжум чорраҳасида жойлашган. Бу ерда замонавий пилдалар йўлаги фойдаланишга топширилди. Эски ўқув биноси

ШАРОФ НИЁЗОВ НОМЛИ ИЛМ ДАРГОҲИДА

тубдан таъмирланиб, янгиланди.

Мактаб биноси вилоят марказининг замонавий ўқув даргоҳига муносиб қиёфага эга бўлди. Ҳовлисиди дид билан парваришланган ям-яшил арча дараклари чайқалиб ўсаётгани дилга завқ бағишлайди.

Директор билан суҳбат чоғида «Жанубий Қозоғистон» газетасига обунани уюшқоқли ташкил этиш ва шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси ҳисоб-рақамига аъзолик бадалини жамоа асосида ўтказиш ҳақида фикр юритилди. Мак-

таб жорий йилнинг биринчи ярмида шартнома асосида 30 нусха «Жанубий Қозоғистон» газетасига обун бўлган эди.

Директор Хусан Тўлаған ўғли жамоада ҳамкасблар билан бамааслаҳат ҳолда бу ишни им-шона қадар ижобий ҳал қилишга ваъда берди. Таъкидлаш жоиз, олти ой «Жанубий Қозоғистон» газетаси шартнома асосида обун баҳоси 2 минг тенгедан ошмайди. Мактабларга ўз вақтида етказиб берилди.

Мактаб ҳовлисиди Галаба байрамига бағишланган анъанавий, асфальтга расм чизиш бўйича танлов жараёни давом



этаётган экан. Директор ўринбосари Карим Иброҳимжоев, мусавирлик санъати бўйича тажрибали устоз Зиёвдин Шаропов ҳамда устозлар Динара Абдуғафорова ва Гузал Эрметовалар ҳам газетатага хайрихоҳлик билдириши (тасвирда).

Ш. МАДАЛИЕВ.
Суратларда: учрашувдан лавҳалар.
Муаллиф суратга олган.



P.S. Жорий йили СССР Халқ депутати, жамоат арбоби Шароф Ниёзов таваллудига 135 йил тўлади. 10 йил муқаддам 2012 йили Ш. Ниёзов номли мактабда шаҳар ҳокими А. Ўсербоев, шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси ҳамда мактаб жамоаси муштарак саъй-ҳаракати билан Ш. Ниёзовнинг 125 йиллиги кенг нишонланган эди. Бу – шонли тарих. Кекса авлоднинг бунёдкорлик гоёларини бугунги ёшларнинг онгига синдириш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

МЕН СИЗДАН ШИФО ТОПДИМ...

Инсон учун унинг саломатлиги биринчи ўринда туради. Бу борада саломатлик посбонлари – шифокорларнинг беминнат хизмати таҳсинга сазовор. Шундай олижаноб касб соҳиби – Султонбек Раҳмонқуловдир.



У Аҳмад Яссавий номли Халқаро Қозоқ-Турк университети тамомлагач, Шимкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасининг 12-сонли шифохонасида меҳнат фаолиятини бошлади. Султонбек ҳозирги кунда Иброҳим ота мавзесидаги «Мақсад» клиникиси шифокори. Шифо масканида меҳнат қилаётган Наргиза Миркаримова, Зилола Маҳмудова, Шаҳно-

за Мирумарова каби ҳамшираларнинг хизмати ҳам таҳсинга лойиқ.

Беморларнинг илқ сўзларини эшитиш – улкан шараф. Ҳамшаҳарларининг соғлиғи учун елиб-югуриб, куну тун

меҳнат қилаётган шифокорга миннатдорчилигимиз чексиз.

Оқ либосли халоскорларимизга ҳурматимиз доимо баланд!

Гулсара ИБРОҲИМОВА.
Сайрам даҳаси.

МАТБУОТНИНГ ЯҚИН ДЎСТИ

Ўзбек матбуотининг аянчли аҳволи қалби уйғоқ ҳар бир ўзбекни ўйлантириши табиий. Қоғоз ва бўёқларнинг қимматлашуви, табиийки, босма харажатларининг ошишига олиб келмоқда. Бу каби муаммолар бугунги кунда деярли барча матбуот ходимларини ўйлантирмоқда.

Ўзбек матбуоти тақдирига бефарқ қарамайдиган ҳар бир инсон обун масаласига масъулият билан ёндашмоғи зарур. Обунада бизга яқин ёрдамчи, биринчи навбатда, почта ходимларидир.

Туркистон шаҳри, Бирлик тумани 8-сонли почта бўлими раҳбари Раъноҳон Абдирамонова 1994 йил июль ойидан бугун ушбу бўлимни самарали бошқармоқда. Раҳматли падали бузруквори Азизхон Абдурахмон ўғли 1984-1994 йилларда ушбу почта бўлимига раҳбарлик қилган. «Ҳали ёдимда, отам раҳматли «Дўстлик байроғи» газетасининг биринчи сонини кувонч билан уйга олиб келиб, бувимга бер-

гач, бувим кўзига ёш олган эди. Мен 8-синфдан отамга почта ишида ёрдамлашиб, келажақда шу соҳада ишлашга аҳд қилдим. 1994-1998 йилларда, ишдан ажралмаган ҳолда, Тошкент алоқа билим юртининг почта бўлимида таҳсил олиб, бугунги кунгача шу соҳада фаолият юртяпман. Қаризликлар обунада фаол, илгари қишлоғимиздан Тамара Анорбоева, Ойхон Аҳмедова, Абдулла Шерметовлар газетатага мақолалар бериб туришарди.

70 ёшни ошаса-да, ҳамон серғайрат Тоир ҳожи Абдувалиевага ҳам самимий миннатдорчилик билдираман. Унинг ғайрати бугун тенгдошлари-



мизда йўқдек. Аллоҳ умрини зиёда қилсин. Биз «Жанубий Қозоғистон» газетаси, умуман, ўзбек матбуоти обунасида таҳсил олиб, бугунги кунгача шу соҳада фаолият юртяпман. Қишлоғимизда «Жанубий Қозоғистон»нинг 2-3 обуначиси бор оилалар анчагина. Бўлимимизда иккитагина штат бор. Почтачи одамиз Меҳриниса опа Исоқовага умр йўлдоши Носир ака жамоатчилик асосида яқиндан ёрдам беради, газета-журналлар ўз вақтида эгаларига етказиб берилмоқда. Шу

кунгача ҳали бирон шикоят тушмади, – дейди Раъноҳон Азизхон қизи.

Саид ХАЙРУЛЛОХ.

Мактабда таълим-тарбия берган устозлар ҳақида ёзиш ҳар қандай ижодкорга улкан масъулият юклайди, айтилганда, бу – шарафли вазифа. Чунончи, адабиётга улкан меҳр, ижодга чинакам қизиқиш уйғотган фахрий устоз Турсуной Эргашеванинг муборак 80 ёшга тўлаётганидан хабар топиб, шогирдлик бурчимни адо этишга бел боғладим.



ТАЪЛИМГА БАХШИДА УМР

Турсуной Эргашева (тасвирда) 1942 йил 17 майда Сайрам қишлоғида туғилган. У отадан эрта етим қолиб, онаси ва икки эгачиси ёрдамида воёга етди. Туркистон шаҳридаги муаллимлар билим юртини таломлаб, Сайрам қишлоғидаги 3-сонли мактаб-интернатда меҳнат фаолиятини бошлади. Болалиғи урушдан кейинги тикланиш даврига тўғри келган авлод вакиллари қатори у ҳам етишмовчилик, юпунлики бошидан кечирди.

Суҳбат аввалида Турсуной опа болалиғидаги бир воқеани эслади:

– 3-синфда ўқирдим. 8 март байрами арафасида клубда катта концерт уюштирилди. «Сталинга тасанно!» деган 58 байтли шеърни саҳнага чиқиб ёддан ўқийдиган бўлдим. Тадбир ўтадиган кун эгизимга эгачиларимнинг кўйлагини кийиб, бошимга қўшимизнинг қизининг рўмолини ўраб, саҳнага чиқдим. Шеър ўқишни маъқул бўлди, шеклили, томошабинлар узоқ олқишлашди. Улар қайта-қайта саҳнага чақирди. Лекин мазам қочиб, кўнглиб айниб, бир алфозда аранг уйга қайтдим. Келаси кун иситмалаб, ётиб қолдим. Шифокорлар буюрган дори-дармон ҳам наф бермас, юзим шишиб, муолажалар таъсир қилмасди. Мактабга боролмай қолдим. Таниш табиб келиб, менга кўз теккани, афсуски, вақт бой берилганини айтиб, онамга: «Қизингиз яхши бўл кетади, лекин бир асорати қолади», деган экан...

Ўтган асрнинг 50-, 60-йиллари – урушдан кейинги оғир йиллар осон кечмаган. Уша даврда хотин-халаж кеч киргач, ҳангомалашиб, кунора суҳбат қуришарди. Бир кун хизматга эркаклар етишмаётган экан, энди хотин-қизларни ҳам ҳарбийга олишаркан, деган миш-миш тарқалди. Бу гапни эшитдим-у ҳаловатимни йўқотдим. Назаримда, биров

келиб, худди онамни жанг майдонига олиб кетаётгандек туюлаверди. Ушбу ондан фикру хаёлим фақат шу ўй билан банд етди. Туркистон шаҳридаги муаллимлар билим юртини таломлаб, Сайрам қишлоғидаги 3-сонли мактаб-интернатда меҳнат фаолиятини бошлади. Болалиғи урушдан кейинги тикланиш даврига тўғри келган авлод вакиллари қатори у ҳам етишмовчилик, юпунлики бошидан кечирди.

Бир кун оғир билан далага кетаётганимда рўпарамиздан ҳамсоя муаллимимиз Бўстунной ая чиқиб қолди ва:

– Турсуной, қизим, нега мактабга бормаясан? – деб сўради. Ойим бор гапни тушунтирди. Шунда у:

– Мактабдаги оғирнинг мен бўламан, – деди. Шу гапдан кейин онамнинг этагини кўйиб, мактабга кетдим...

Туркистон шаҳридаги ўқув даргоҳида ўқитувчилари, талаба дўст-дугоналари ёрдамида қийналмай ўқиди. Айнакча, устози Ўринбосар Нурматовнинг ўғитлари талабанинг дунёқарашини кенгайтди, панд-насихатлари бир умрга қалбига муҳланди.

– Интернетда дарс ҳам бердим, тарбиячилик ҳам қилдим, – деб эслади у. – Директоримиз Йўлдош Нишонбоевнинг ўқитувчиларга айтган гапи ҳануз ёдимда. У мазкур таълим даргоҳининг ўзгачалигини эслашиб, етимларнинг ҳақиқини еманлар, деб таъкидларди. Эрталаб 6.00дан тунги 24.00гача туз татайми ишлаган кунларни унутиб бўлармиди?

Турсуной опа 1971 йили Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг сиртки бўлимни тамомлади. 1964 йили у Сайрам туман Кенгашининг депутати этиб сайланди. 1965 йили эса ўқи-тувчи Раимбек Ёқуббеков билан турмуш қурди ва шу йили «Пахтакор» мактабига ишга ўтди. Оилада фарзандлар туғилди. Лекин билимга чанқоқлиги, касбига садоқати, қолаверса, турмуш ўртоғининг далдаси ҳаётдаги қийинчиликларни енгиб ўтишга ёрдам берди.

Янги даргоҳда 8 йил бош-

ланғич, 28 йил оқори синф ўқувчиларига дарс берди. Муаллима ушбу жамоада Ниёзқул Ходиматов, Ботирхон Йўлдошев, Ҳақимшиқ Тўйчиев, Сидиққат Ҳайитматов каби раҳбарлар билан бирга меҳнат қилганини завқ билан эслади. У 1992 йили фахрий ҳордиққа чиқди.

Бу ўринда унинг умр йўлдоши, турли йилларда Тельман номли, сўнгра «Пахтакор» мактабларида пионер ташкилотчиси, ўқитувчи, тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари, партия ташкилоти котиби бўлиб ишлаган Раимбек Ёқуббеков ҳақида эслаб ўтиш жоиз. Зеро, у том маънодаги зиёли, маориф фидойиси ва жонкуяри эди. Улар 6 фарзандни тарбиялаб, воёга етказишди. Устозларнинг фарзандлари ва келинлари ҳам таълим соҳасида меҳнат қилишмоқда.

Раимбек ака 2013 йили оламдан ўтди. Бугунги кунда Турсуной опа қоғил фарзандлари, шунингдек, 22 невар ва 16 эваранинг даврасида қариллик гаштини суриб, умргузаронлик қилмоқда.

Устоз газетамиз саҳифаларида эълон қилинаётган мақолалар тўғрисида фикрларини баён этиб, обун масаласига ҳам алоҳида тўхталди:

– «Жанубий Қозоғистон» ҳар бир хонадонга кириб бориши керак, – деди у. – Газета, китоб ўқимаган одам маънавий бой бўла олмайди. Бу – она тилимизга бўлган фидойилигимизнинг кўрсаткичидир.

Қадрдон устозининг 80 ёшга тўлиши муносабати билан муборакбод этиб, унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаб қоламиз!

Зокиржон МЎМИНЖОНОВ.

● Обуначиларимиз орасида

ЖОНГА ЖОН ЖОНКУЯРИМИЗ



Гулбаҳор Жалилова доимий жамоатчи обуначимиз Райимжон Кўчқоровнинг «Улес» хайрия жамғармасидаги газетамиз жонкуярларидан бири. Ҳар ҳафтада уч марта чоп этиладиган «Жанубий Қозоғистон» рўзномасини Гулбаҳор Жалилова (тасвирда) муштарыяларга етказиб беради.

Кўпчилик минбари, она тилимизда давлатимизнинг тинчлик-тотувлик сиёсатини тарғиб этаётган 31 ёш-

даги «Жанубий Қозоғистон» газетаси Гулбаҳор Жалилова каби юзлаб фидойи ва ҳимматли инсонларнинг муштарак ҳолис меҳнати билан муштарыяларимизга етиб боради.

– Ҳафта сайин газетанинг янги сонини ўқиб, янгиликлар билан танишиб, турли мавзуларда чоп этилаётган мақолалардан маънавий озуқа оламан, – дейди Гулбаҳор Жалилова.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Муаллиф тасвири.

● Мардлик — элга мерос, авлодга ибрат



ҚАҲРАМОН ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

Саврон тумани маркази – Чўрноқ қишлоғидаги уруш қахрамони Қ. Ирисбеков номидаги 5-сонли мактаб-интернатда “Мардлик – элга мерос, авлодга – ибрат” мавзuida ўтган тadbир Улуғ Ватан урушида қахрамонларча ҳалок бўлган Совет Иттифоқи Қахрамони Курбонбой Ирисбеков таваллудининг 100 йиллигига бағишланди.



Мактаб директори А. Шукирбаев раҳбарлигида ўқув даргоҳи жамоаси ҳамда доимий обуначиларимиз – “Туркистон насос” МЧБ директори Қахрамон Ирисбеков, унинг укаси ва ўғли Уйғун, Фаррух, Саврон туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Курбонбой Ирисбеков, унинг ўғли Улуғбек Ирисбековлар ҳомийлигида (жами 500 минг тенге) ажойиб тadbир ташкил этилди. Қахрамон номидаги синфхона, мактаб дахлизида эса унинг бюсти очилди.

Иштирокчиларни Саврон тумани ҳокими Ғани Рисбеков, туман маслаҳати котиби Мейрамбай Кунпейсов, “Туркистон – насос” МЧБ директори Қахрамон Ирисбеков, ҚР Ёзувчилар Уюшмаси аъзоси Абдигаппар Жақи-

ёшида ватан озодлиги учун жангларда ҳалок бўлган. 1944 йили 10 январда Совет Иттифоқи Олий Кенгаши Президиумининг фармони билан унга Совет Иттифоқи Қахрамони унвони (вафотидан сўн) берилган.

Чўрноқ қишлоғи собиқ ҳокими, шу ўқув даргоҳида раҳбар лавозимида меҳнат қилган нафақадор Еркинбек Умарбаев ўз хотираларида Совет Иттифоқи Қахрамони Курбонбой Ирисбековнинг довруқли номи ўтган асрда мактабни қисқартириш хавфидан сақлаб қолганлигини ифтихор билан эслайди. Яъни, ўтган асрда вилоят партия кўмитаси ҳамда вилоят ижроия кўмитасига мактаб жамоаси номидан қисқартирмаслик ҳақида илтимоснома – мактуб йўлланганида

қахрамоннинг урушдаги жасоратини ифодаловчи саҳна асарлари маҳорат ила намойиш этилди. Жанг майдонида қахрамонларча ҳалок бўлган аскарнинг бугунги авлод қариндошлари Шарифа Ҳазратова, Саломат, Тамара Ирисбековалар, Отабек Муқим ўғли, Рўза Латипова, Мариям Алибоевалар саҳна асарларини ҳаяжон ила томоша қилишди. Мактаб дахлизидаги Қ. Ирисбековга аталган бюст ёдгорлиги ёнида “Қорачиқ” мактаби директори, фахрий меҳмон Музаффар Умаров билан мулоқотда бўлдим. М. Умаров бугунги тadbир ҳақидаги таассуротларини баён этиб, ташкилотчилар ва ҳомийларга самимий миннатдорчилик билдирди.

Шу мактабда меҳнат қилган



повлар байрам билан қўтлаб, элга тинчлик ва омонлик тилалар. Мактаб бадий ҳаваскорлари ижросида ватанпарварлик руҳидаги кўшиқ янгради.

Мактаб ҳовлисидаги улкан ёдгорлик бир неча йил муқаддам Қахрамон ва Курбонбой Ирисбековлар саъй-ҳаракати билан собиқ “Ленинизм” жамоа ҳўжалиги идораси ёнидаги уруш фахрийлари хиббонидан мактаб ҳовлисига кўчириб келинган эди.

Совет Иттифоқи Қахрамони Курбонбой Ирисбеков 1922 йили Чўрноқ қишлоғида туғилган. Урушга қадар мактабда тарих ва география фани ўқитувчиси бўлган. 1943 йили Днепр дарёсидан биринчи бўлиб душман қамалини бузиб ўтиб, қахрамонлик кўрсатган. Бир ротани ёлғиз ўзи яқсон этиб, ҳақиқий мардлик намунасини кўрсатган. Атиги 21

мўъжиза рўй берди. Юқоридагилар “Курбонбой Ирисбеков урушда бизнинг бугунги тинч ҳаётимиз учун жонини фидо этди. Биз шу қахрамон аскар хотираси ила тинч замонда унинг номидаги мактабни сақлаб қолишимиз керак” дея мактабни қисқартириш рўйхатидан олиб ташлашган экан. Бугун ушбу мактаб-интернатда 76 нафар устоз 368 нафар ўқувчига таълим-тарбия беради.

Мактабга 1974 йилдан қахрамон номи берилган. 2017 йили янги замонавий ўқув биноси курилиб, фойдаланишга топширилган. Меҳнат фахрийлари, нафақадagi устозлар иштирокида Курбонбой Ирисбеков номидаги синфхонанинг очилиш маросими ўтди. Илк машғулот эса қахрамон ҳаёти ва фаолиятига бағишланди. Мактаб мажлислар залида бадий ҳаваскорлар ижросида

собиқ устоз Зайтуна Абдураимова (мархума) номидаги синфхонанинг очилиш маросими ҳам ўтди.

Хотира дастурхонида урушда вафот этганлар, хусусан, қахрамон Курбонбой Ирисбеков руҳига бағишлаб, Қуръон тиловат қилинди. Бугунги авлод 77 йил муқаддам ғалаба билан яқунланган қонли урушда кекса авлод жонини фидо этганини доимо ёдда тутиши, тинчликни кўз қорачиғидек асрашга ҳисса қўшиши, бу каби тadbирлардан ватанпарварлик сабогини олмоғи даркор. Урушда шахид кетган қахрамонларнинг охирати обод бўлсин!

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: тadbирдан лавҳалар.

Муаллиф суратга олган.

● Тўйхат ўрнида



Қалам яралгандан буён хизматда. У мана шу фоний дунёга ўз тақдири билан яшаб кетиш учун келадиغان жамки инсонларнинг тақдирини тилга олиб, китобга муҳрлаб қўйган. Сиёҳлар қуриган, қисматлар ижросини кутмоқда, фақат... Ижод аҳлига касбу корини амалга ошириш учун насиб этган қаламга ҳам улкан масъулият юкланган. Унинг ҳам фоний дунёда илоҳий вазифаси мавжудлиги ҳар бир қалам соҳибига юклатилган бурчи, замондошлари, келажак авлод олдидаги мажбурияти билан ифодаланади. Ундан битилган сўзлар қалбларга эзгулик олиб қиради, фикрлашга ундайди, юракларга таскин беради, ҳузур бағишлайди, мушоҳадага чорлайди. Мен ҳикоя қилмоқчи бўлган инсон унга тақдир қилинган, касбу корининг бетакрор кунларини зиё нури билан забт этиб, қаламининг масъулиятини теран англаган шахсдир.

Таниқли журналист Ҳавазмат Қўчқоровнинг ҳаёти ва ижод йўлида 45 йиллик фаолият онлари тамомилга ўзини намоён эта олган. Бугун устозимиз фахрий ҳордиқда, шунга қарамай, шогирдларидан насиҳатлари уларнинг ижодларига бўлган мулоҳазаларини бил-



...Илк шеърини 6 ёшида Сайрам туманининг “Меҳнат байроғи” газетасида чоп этишди. Уша даврда ҳовлилар, жамоа ҳўжалигидаги катталарни қўя туройлик, ҳатто ёш болаларнинг ҳам ўз мажбуриятлари борлигини ҳисобга олсак, меҳнатдан ортган вақт ижодга, адабиётга бахш этиларди.

Қўчқор ота ва Улуғой ая иқтидорли фарзандининг истиқболли келажиги учун шароит яратиб беришди. Камтар, самимий, сўзнинг мазмун, моҳиятини, салмоғини ҳис қиладиган, мактабни эндигина тамомлаган ўсмирнинг В. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг журналистика куллиётига қабул қилиниши ҳам майли, тақдирни ўз ҳолига қўйлик, ҳатто тасодиф ҳам эмас – иқтидор, истеъдод, заковат кучи уни мазкур манзилга бошлагани ҳақиқат.

– Ҳавазмат ака, журналистика факультетида ҳозирги ёшлар ҳавас қиладиган, керак бўлса армон қиладиган даргалардан сабоқ олгансиз, шундай эмасми? – дейман сўхбатга чорлаб.

– Бошқаларни билмадим-у, бироқ сен аник ҳавас қиладиган, ҳозирги кунда йирик даврий нашрлар, телекомпанияларнинг раҳбарлари, машҳур журналистларга устозлик қилган инсонлардан сабоқ олганман. Устозларим билан фахрланаман, – дейди устозимиз ҳар доимгидек ҳозиржавоблик билан. – Устозимиз, таниқли адабиётшунос олим, мунаққид, республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, таниқли журналист Сайди Умиров сабоқлари, Яратганга шукр беиз кетмади. Унинг сўзлари юрагимизга мангу муҳрланган ҳам фаолиятим давомида унга амал қилишга ҳаракат қилдим. “Журналист ҳар бир завқланган инсон, ҳодиса, тadbир ёки маросимларни шу даражада фаол ва улкан завқ-шавқ билан акс эттириши кераки, муштарийлари, тингловчи ва томошабинларига ҳам қаламқашнинг ҳиссиётлари, таассуротлари юқши керак”, дея Сайди ака бот-бот такрорлардилар. Иштирок этган тadbирлари, хизмат сафарлари борки, йўлдаёқ қозоғга туширилган ҳолда келганларини ҳамкасбларидан кўп эшитганмиз ва биз, шогирдларидан ҳам шундай ишлаш тартибига одатланишни тилаб қилардилар. Шундай устоздан сабоқ олиш бахти бизга насиб этди.

Меҳнат фаолиятини А. Пушкин номли жамоа ҳўжалиги котиблигидан бошлаган сўхбатдошимни ижод йўли умри давомида таъқиб этиб келди. 1967 йили С. Юсуфалиев муҳаррирлик қилаётган “Меҳнат байроғи” газетасига мусаҳҳиҳ бўлиб ишга кирди. У таҳририятда фақат имловий хатоларни тузатиш билангина чекланиб қолмай, шахслар, чорвадорлар, меҳнат одамлари, ибратли кишилари ҳақида очерклар ёзди, турли тadbирлардан репортажлар тайёрлади. 1975 йили жамоа ҳўжалиги қошидаги Маданият саройига директор этиб тайинланди.

Ҳаёт нафасига очилмақ сатрлар...

“Ғунча” ашула ва рақс дастаси бадий раҳбар Ш. Милтиқбоева билан ўзбек санъати ва маданияти ривожига ҳисса қўшди.

1986 йили вилоят телерадиокўмитасининг ўзбек тилидаги “Давр нафаси” дастурига муҳаррир этиб тайинланди. “Улкан жамоада барча ижодий қирраларим сайқалланди. Телерадиокомпания бошлиғи таниқли журналист Б. Қўнибеков раҳбарлигида жамоада яшаб, ижод қилдим. Жамоанинг тadbирлари кўп – теннисчи, шахматчи, аскиябоз, ошпаз ҳам бўлдим”, – дейди сўхбатдошим.

1991 йили эндигина очилган “Дўстлик байроғи” газетасига муҳаррир ўринбосари этиб тайинланди, уша даврдаги бош муҳаррир Собиржон Юсуфалиев ҚР Олий кенгаши депутатлигига сайланган, муҳаррирлик ҳам ижодкорга топширилди. Уша йилларни ижодкор шундай эслайди:

– Миллий валютанизм алмашаётган, Мустақилликнинг дастлабки йиллари, зиёлиларимиз умуман мамлакатимизга керак бўлмаётган йиллар. Савдогарнинг куни кун,

ҳамма чайқовчининг фикрини маъқуллаган замонларда маънавиятимиз миёнларини сақлаб қолиш, ҳамюртларимизнинг эътиборини маданиятимиз, маънавиятимиз ривожига қаратиш осон кечмади. Ачинарлики, газета чиқариш учун ҳатто қозоғ ҳам танқис бўлган йиллар эди. Машаққатли даврда Собиржон Юсуфалиев, Иброҳим Туркий, Муроджон Абубакиров, Муртоз Муҳаммадовлар ўзларини миллатининг ҳақиқий фидойилари сифатида намоён этишди. Ваҳоланки, улар ҳам рўзғор тебратили мақсадида савдо-сотик ишларини танлашлари мумкин эди, бироқ, йўқ, миллатнинг эртасини ўйлаган инсонлар бўлишди.

Таҷрибали журналист, моҳир таржимон, истеъдодли адиб адабиёт ихлосмандларига бетакрор тўхфа ҳадя этди: “Қосағулнинг хотини” ҳажвиялари, “Орта ҳам қолган кунлар” шеър ва ҳикоялар тўплами, “Антика ўч” ҳажвий тўплами, “Ирмоқлар туташганда” шеърлар тўплами, УВУ фахрийси Сулаймон ота Йўлдошев хотирасига бағишлаб “Жавоҳирга татиғулик умр” китоблари кутубхоналар ҳамда содиқ китобхонларнинг жавонидан муносиб ўрин эгаллаган.

Устозимиз шахсий ҳаётида ҳам бахт топган, пешонаси чарақлаган инсонлардан. Умр йўлдоши Раҳима опа билан ибратли ва ҳаловатли умр кечиримокда. Фарзандлари – Жамшид, Хуршид, Ҳилола, Зилола ва Жонриднинг зурриётлари – неваҳабаларларининг бахтиёр кунларидан, камолидан масрур кексалар уларнинг дуоғўйлари. Ҳавазмат аканинг меҳнатлари муносиб баҳоланди – юрт раҳбарлари, мутасаддиларнинг фахрий ёрлиқлари, ташаххорномаларининг ўзи хонадонидagi бир жавонини эгаллайди. От изини той босгани ижод аҳлига ажойиб тўхфа ва янги истеъдод ҳамда иқтидор эгасини тақдим этди. Уғли, журналист ва шоир Хуршид Авез ҳам серқирра ижодидан адабиёт ихлосмандлари – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетасида ёритилаётган мушоҳабалари, мақола ва очеркларидан баҳра олишмоқда.

Ҳар қандай вазият ва шароитда сўхбатдошига кўтаринки руҳ ва хушқайфият тақдим эта оладиган, ижодий салоҳияти юксак, ташкилотчилик маҳоратининг ҳар нафасида намоён бўлиши атрафдагиларига фақат ижобий кайфият улашадиган устознинг чорак кам асрлик тўйи муборак бўлсин! Диний китобларда ўқиган сеvimли иқтибосим бор – барча қахрамонларимга юракдан тилаймиз – одамларга эзгулик, меҳр илиниб, машаққат йўлида оқарган сочлар саодатдир, нурдир. Аллоҳ Таоло барчамизга умри узун ва амали гўзал бандалардан бўлишни насиб айлсин!

Мунира САЪДУЛЛАЕВА.

Сайрам тумани,
Кўлкент қишлоғи, А. Музрапов
номли мактаб кутубхонаси мудири
Мақсуджон Абдурасуловга!

Хурматли, Мақсуджон Мусуртой ўғли!

Сизни қутлуғ 53 ёшингиз билан самимий
мураббад этишимиз.

Сиз кўп йиллардан буюн А. Музрапов ном-
ли мактабда самарали фаолият юритиб, ёш
авлоднинг маънавияти юксак, ватанпарвар эл
фарзанди сифатида камол топишига залвор-
ли ҳисса қўшмоқдасиз. Зеро, маънавияти ва
маърифати юксак жамиятда оқилу донолар

бисёр бўлади, дейишади...

Сизга узоқ умр тилаган ҳолда "Жанубий
Қозоғистон"нинг жонкуяри эканлигингизни
кўпчилиққа ибрат қилсак арзийди.

Мустақкам соғлиқ, узоқ умр, оилангизга
тинчлик ва хотиржамлик тилаймиз!

Бир гуруҳ дўстларингиз.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!



ЭНГ МУҚАДДАС ТУЙҒУ

Инсон қалбидаги энг олий ва муқаддас туйғу – Ватан туйғусидир. Ўзи ту-
ғилиб ўсган Она юртини севадиган, табиат гўзалликларидан завқ оладиган,
ҳамюртларининг ютуқларидан фахрланадиган, ҳатто атрофимиздаги қурт-қу-
мурсқаларининг ҳаракатидан завқлана оладиган бутун ақл-заковати, қалб-қу-
ри, куч ва имкониятини шу жамият ва табиат гўзаллиги, ривожига бахшида эта
оладиган инсондагина бу туйғу мужассам бўлади. Ана шу туйғу соҳибларидан
бири Мақсуджон Абдурасуловдир.

Семинар доирасида Боғмон Ақромов
6-“Б” синф ўқувчилари билан “Мустақиллик
шажараси” мавзусида очiq тарбиявий соат
ўтказди. Кутубхоначи Мақсуд Абдурасулов
раҳбарлигида ташкил этилган тадбир юқу-
ри савияда ўтказди.



Инсон бахтли бўлиши учун эркин ва
мустақил бўлиши керак. Демак, энг аввало
мустақилликнинг мазмун-моҳиятини ан-
глаб етиш мақсадга мувофиқдир.

Ўқувчиларнинг онгу шурида Она Ватан
тушунчасини, унга меҳр-муҳаббат ва ва-
танпарварлик туйғуларини шакллантириш-
да Мақсуд Абдурасуловнинг хизматлари
бекиёсдир.

Туркистон вилояти, Сайрам тумани,
Кўлкент қишлоғидаги 65-сонли Абдурашид
Музрапов номли мактабда “Китобхон мак-
таб” лойиҳаси доирасида “Мустақиллик –
бебаҳо бойлигим” мавзусида семинар ўтди.
Унда мактаб кутубхонаси мудири ва
қишлоқ кутубхоначилари иштирок этишди.

Тадбирдан кўзланган мақсад – ўқувчи-
ларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш,
миллий онг ва сиёсий саводхонликни ри-
вожлантиришдан иборат эди.

Шунингдек, ўқувчилар ўртасида
“Менгилек ел” китобини тарғиб қилиш ва қи-
зиқишларини ошириш борасида ҳам кенг
қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Ўқувчилар ўқиган шеър, кўшиқ ва рақс-
лар кўпчилиққа манзур бўлди. Айниқса,
16 декабрь воқеаларини сахналаштирган
ўқувчилар мактаб маъмурияти ва меҳмон-
ларнинг таҳсинларига сазовор бўлдилар.

Тадбирга яқун ясаган Мақсуд Абдурасу-
лов учрашув иштирокчиларига миннатдор-
чилик билдирди.

Ҳикмат АҲМЕДОВ.

Тасвирда: тадбир иштирокчилари.

◆ Навоий номли мактабга – 90 йил

ШОГИРД ҒАЛАБАСИ – УСТОЗИГА БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Туркистон шаҳ-
ридаги А. Навоий
номли мактабнинг
битирувчи синф
ўқувчиси Шохрух
Исабеков бокс бў-
йича пойтахтда
ўтган республика
биринчилигида ви-
лоятимиз шарафи-
ни ҳимоя қилиб, 57
кг. вазнда фахрли
иккинчи ўринни
эгаллади. ҚР Қу-
ролли кучлари кун
ҳамда Буюк Ғала-
банинг 77 йилли-
гига бағишланган
ушбу мусобақага
Ш. Исабековни му-
раббийлари Жар-



мизда юртин спорт
ва санъат жаҳон-
га машҳур қилади,
деган ҳикматли
нақл бор. Туркий
оламнинг маънавий
пойтахти Турки-
стонни шарафлаёт-
ган Шохрух Улуғбек
ўғлига ғалаба ҳам-
иша ҳамроҳ бўлсин!

Ёш чарм кўлқоп
устаси Шохрухнинг
тоғаси, газетамиз
жонкуяри, таниқли
меъмор Саъдулла
Абан ўғли ҳамда А.
Навоий номли мак-
таб жамоасини,
синф раҳбари Но-
дира Саидовани
ўқувчисининг Ға-
лаба кунни арафа-
сидаги ғалабаси
билан чин дилдан
қутлаймиз. Шохрух
келажакда ҳаётини
спорт соҳаси билан
боғлаб, олий
маълумотли мута-
хассис бўлмоқчи.
Унинг пойтахтда
эришган ушбу ға-
лабаси эзгу мақса-
дининг амалга оши-
шига мустақкам
пойдевор бўлади.

даги ҳаракатини ку-
затган бокс бўйича
жаҳон чемпиони,
ҚР Маданият ва
Спорт вазирлиги-
нинг спорт ва жис-
моний тарбия қўми-
таси раиси Серик
Сапиев унга омад
тилади. Пойтахтда-
ги беллашуларда
иштирок этган 20
нафар туркистон-
лик ёш чарм кўл-
қоп усталарининг
мусобақаларда ма-
хоратини чарчлаган
Шохрухнинг ринг-

қин Танирберге-
нов ҳамда Бўлат
Ибрагимовлар
тайёрлашди. Шох-
рух Улуғбек ўғли
ушбу ғалабасини
фронтда қон тўк-
кан боболари, уруш
фахрийлари, мар-
ҳум Абан Содиқов
ҳамда Мамадали
Ўсмонов хотираси-
га бағишлади. Бун-
га қадар нуфузли
мусобақаларда ма-
хоратини чарчлаган
Шохрухнинг ринг-

Ш. МАДАЛИЕВ.

◆ Болалар йили

ДЎМБИРА СОВҒА ҚИЛДИ

Тулқибош туманида “Мактабига дўмбира совға қил”
аънавий тадбири ўтди.



Тадбир доирасида Урбулак
мактаби дўмбира тўғараги
45та янги миллий асбоб билан
бойиди.

Лойиҳа мазкур таълим дар-
гоҳини 30 ва 50 йил муқаддам
тамомлаган собиқ ўқувчилар
ҳомийлигида амалга оши-
рилди. Ёш авлоднинг миллий
қадриятларини онгига сингди-
риб камол топишини истаган
оқсоқоллар миллий кодни
мустақкамлашга улкан ҳисса
қўшишмоқда.

Мактаб қошида ташкил
этилган дўмбира, миллий куй-
қўшиқлар, рақс тўғарақлари
аъзолари меҳмонлар кайфия-
тини кўтариб, ажойиб концерт
дастури тақдим этишди.

“Болалар йили”га бағишлаб
ўтказилган ушбу эзгу тадбир
эстафетаси Турар Рисқулов
номидаги мактабга йўлланди.

Вилоят минтақавий
алоқалар хизмати.

ЖАНУБИЙ ҚОЗОГИСТОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМГА ТАШНА ТАЛАБГОРЛАРИН ЧОРТАЙДИ!

«6В01706 – ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ
ЎҚИТУВЧИСИНИ ТАЙЁРЛАШ»
ИХТИСОСЛИГИГА МАРҲАБО!

ЎЗ КАСБИНИНГНИНГ МОХИР УСТАСИ БЎЛИШНИ
ХОҲЛАЙСИЗМИ?

ИЛМДА ЮҚОРИ ЧЎККИНИ ЭГАЛЛАШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

СЕВИМЛИ УСТОЗ БЎЛИШ СИЛАРИНИ ЭГАЛЛАГИНГИЗ
КЕЛАДИМИ?

БИЗ БИЛАН БИРГА ТАҲСИЛ ОЛИНГ: ТАЛАБАЛИК
ХАЁТИНГИЗ
МАЗМУНЛИ КЕЧАДИ!

ЯНГИ ТАЛАБЛАРИ
ТАНЛОВ ФАНЛАРИ:

1. ҚОЗОҚ ТИЛИ
2. ҚОЗОҚ АДАБИЁТИ

БИЗНИ ТАНЛАҢ, АДАШМАЙСИЗ!

Мурожаат учун алоқа
рақамлари: 87784004997

Шимент ш.
А. Байтурсын кўчаси, 13

ДОНОЛАР
БИСОТИДАН

Мен эшитдим ва унутдим. Мен
кўрдим ва эслаб қолдим. Мен ба-
жардим ва англаб етдим.

Конфуций.

Сакраш қутқармайди, тўхташ
фойда келтирмайди ва кетаётган йў-
линг эса тўғри томонга экани номат-
лум. Мана шу энг қийин вазиятдир.

Мубашшир Аҳмад.

Агар бемор чин дилдан қаттиқ
яшашни истаса тиббиёт башоратла-
ри пучга чиқади.

Фаина.

Мен ўз ҳаётимни ўзгаришини кут-
гандим, аммо ҳозир англаб етдимки,
ҳаёт мени ўзгаришимни кутаётган
экан.

Фабио Волво.

«Turkistan» телеканалда бир дақиқали реклама материаллари-
ни жойлаштириш – 34000 тенгедан бошланади.

Turkistan Times янгиликлар дастурига лавҳа тайёр-
лаш ва жойлаштириш – 250 000 тенгедан.

“Жаңа толқын” ахборот-кўнгилочар
дастурига лавҳа тайёрлаш ва жой-
лаштириш – 150 000 тенгедан
бошланади.

Кўламдор реклама-ахборот материаллари учун
чегирмалар мавжуд.

Телеканалга реклама берувчини жалб
қилган ҳамюртларимизга буюртма миқдорининг
15 фоизи миқдориди агентлик
мукофоти тўланади.

Барча реклама ва эълонлар эрталабки соат 08:00дан
кечки соат 24:00гача эълон қилинади ва Қозоғистон,
Қирғизистон, Туркия, Озарбайжон Республикалари,
Туркманистон ва Венгрия ҳудудларида эфирга узатилади.

Маълумот учун телефонлар:
+7 (7253) 35 30 31, +7 (747) 944-08-25.
Телеканал маъмурияти.

Turkistan
телеканалли ҳамкорликка
чақиради
turkistantv.kz

Директор – Бош муҳаррир –
Алишер Ғофуржон ўғли
СОТВОЛДИЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ,
Авазхон БУРОНБОЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:
Туркистон, Кентов — Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.
Тўлебий — Баҳорой ДЎСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.
Қазиргит — Хуршид ҚЎЧҚОРОВ. +7-701-447-37-42.
Сайрам — Мухтабар УСМОНОВА. +7-701-257-97-36.
Тулқибош — Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.
Обуна, реклама ва эълонлар — Зокиржон МУМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий
газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирувларда
факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун
муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар
масъулдир.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма
жаавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги
томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга
олинди. КЗ34VРУ0022503 сувоҳнома
берилган.

“ЕВРИН-РИП” МББ босмаҳонасида чоп этилди.
Шимент шаҳри, Т. Алимутов кўчаси, 22.

Манзил: 160023, Туркистон шаҳри,
“Жаңа қала” кичик тумани,
11-кўча, 26-бино, 3-қават.
Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79.
Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 12100 нуска.
Бюроми: 1238.

Навбатчи муҳаррир: Мунира САЪДУЛЛАЕВА.